

2005-4

Амнистия акти ҳамда қонун нормалари нотўғри қўлланилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 2005 йил 23 февралдаги ҳукмига кўра У. 2004 йил 23 июль куни соат 13-30 ларда 2 дона полимер бўлакчаларига ўралган кўп миқдордаги-16,45 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликда айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ҳамда унга нисбатан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия акти 7-моддасининг «а» банди татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилган.

Шу вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 22 мартдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган. Апелляция инстанциясининг 2005 йил 4 апрелдаги қўшимча ажрими билан У га нисбатан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 3-моддаси татбиқ этилиб, у. тайинланган жазони ўташдан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 3-моддасида биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилиниши кўрсатилган.

Суд У ҳаракатларини тўғри квалификация қилган, бироқ унинг 2-гуруҳ ногирони эканлигини эътиборга олмаган ва унга 2004 йил 1 декабрдаги

амнистия 7-моддасининг «а» бандини тadbиқ этиб, унга тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини учдан бирига қисқартириб, нотўғри хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди У.га нисбатан чиқарилган суд ҳукмини тўғри ва асослилиги ҳақида хулосага келган бир вазиятда, кейинчалик 2005 йил 4 апрель куни мазкур иш бўйича қонунга зид равишда қўшимча ажрим чиқариб, У.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 3-моддасини тadbиқ этиб, уни жазо ўташдан озод қилган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати У.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб унга 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 3-моддасини тadbиқ этиб, тайинланган жазони ўташдан озод қилди.

100-05-сонли ажрим

